

«Ер юзи» журналининг ўқувчиларига нафис санъат муассасаларимиздан студияни танитиш зарур; чунки, биз ўрток Мўмин Хўжа айтгандай, ингичка санъатимизга бино куриш кунларидамиз. Хозир бу йўлда нечта кадам кўйсак, хар бир кадамимиз келгуси замонда минг маротабалар текширилиб, сараланадир. Ундан кейин: менинг бу кичкина мусобахам билангина элни бу муассасага тегишинча ошно килолмаймиз. Чунки, яна ўрток Мўмин Хўжа айтгандай «Ўзбек театрининг асосидир». Маскавдаги театр жараёнлари билан чала-чулпа танишиб чикмок учун студия талабалари 7—8 ой лекция эшитдилар. Якин келгусида бизнинг театримиз хам ўша даражаларга караб анча йўл босиб колар. Ўша вақтда бу кунги ёзилгон хар бир хат (сатр) ёзув, кўп чигалларни ечишга ёрдам килар.

Студия бундан икки йил бурун Маскавдаги «Сталин номига очилгон ўзбек билим юрти» қошида алохида студия бўлиб ташкил килингон. Бошда унга Маскав давлат театр мактабида ўқувчи йигитларимиз кирганлар; ундан кейин ўшал вақтгача сахналаримизда ўйнаб келган атокли санъаткорларимиз кирганлар. Уларнинг орасида Тошкент билан Бухоро ва Фарғонадан элга машхур ва макбул бўлгон йигитларимиз бўлгонлар. Хотин-кизлар хайъати эса бизнинг тарихимизда биринчи дафъа ўларок, ўзбек кизлари билан Ўзбекистонда тугулиб ўсган тотор кизларидан иборат бўладир (кейингилардан факат биргина киши).

Биринчи йилда студияда ингичка санъатга оид бирмунча дарслардан бошка рус тили, она тили ва баъзи бир умумий фанлар хам бўладир. Сахна хунари (сценическое м:астерство) фанининг мударрислари у йил ўша фан устида франсузларнинг классик (кадим) адиларидан Мольернинг машхури жахон бўлгон «Хасис» пьесасини тайёрлайдилар. Бу пьеса узок йил Самаркандда бир, Тошкентда бир кўйиладир-да, шу билан студиянинг ёзлик иши тамом бўладир..

Бу йил (1925—1926 йилларда) эса студиядан умумий фанлар билан она тили фани муаллимсизликдан чикориладир, бошка ингичка санъат фанлари боягидай давом этдириладир. Айникса, ўткан йил кадим замон театр тарихини ўқутган муаллим ва мунаккид Филиппов бу йил студия талабаларини Маскавдаги театрларнинг тарихлари ва масалалари билан таништирадир. «Сахна хунари»нинг муаллимлари эса бу йил «Хасис»ни бир оз тузатмак билан бирга машхур рус адилби Гоголнинг ўлмас кулгуси бўлгон «Терговчи»ни инкилобий фожеалардан «Лаббай» (Эхо) ни сўнгра Холхўжа кўрбоши турмушидан сўзсиз ўйин—«Коровул уйкуси»ни тайёрлайдилар. Бундан бошка ўз муаллимларимиз ўрток Уйгур томонидан каминанинг «Ёркиной» («Саркаш киё») пьесаси тайёрланди. Булардан «Ёркиной», «Терговчи» пьесалари Фарғонанинг Намангандан бошка хамма шахарларида «Лаббай» билан «Коровул уйкуси» Тошкентда, Самаркандларда кўйилди.

Олдимиздаги бир киш тахсил билан студия тамом бўладир. Ундан сўнг Маориф комиссарлигимизнинг фикрига караганда, ўша студия талабалари асос килингани холда марказий ва доимий жумхурият театримиз ташкил килинса керак. Шу йил театрнинг қошида ўзига махсус студияси (мактаби) бўладир. У холда, Маскав студияси, эхтимол,

тамом беркитилса.

Бу йил ингичка санъат фанларидан баъзилари чиқарилиб, ўринларига бошқалари киргизиларди. Чунончи: юз яшаш (грим), сахна яшаш (декорациячилик) ва бошқалар.

Бу йилги репертуарда миллий нарсалар кўпроқ бўлса керак: «Ёркиной» хомрок бўлгани учун яна ишланмакчи; каминанинг 4 пардалик «Узун кулок бобо» деган пьесаси ҳам репертуарга кирса керак. Яна бошқа миллий пьесалар топиш харакати бор.

Студиянинг ўзи билан кискача таништиргондан кейин энди унинг саёхатидан ҳам озрок гапириб ўтайлик. Тошкентда (театр санъатининг бу марказида) — студиянинг моддий муваффақияти мазасиз бўлди. Ўзбек базм тўдаси моддий жихатдан ақллар ишонмаслик муваффақият қозонган ҳолда студиянинг муваффақиятсизлиги албатта сабабсиз эмас. У сабаб хаттоки кўпимизга маълум. Бизнинг миллий чолгувларимиз асрлардан бери базмларимизда тайёрланиб, халқнинг руҳига сингиб кетган энгил бир шабада ҳам уни кўзгай берадилар. Театр эса биз учун янги нарса, сўнгра мингларча тўдаларимизнинг бемаъни ва санъатсиз театрлари халқни бездирган. Шуларни англагон учун студиянинг ўзи ҳам моддий муваффақиятга аҳамият бермади; бу ҳолатни ҳаммадан кўра кўпроқ тушунган Маориф комиссарлигимиз шу моддий тежаш даврида студиянинг моддий камчилигини ёпди.

Моддий жихат шундай заиф бўлса ҳам маънавий жихати анча яхши бўлди. Санъатни тушунган кишилар келдилар, кўрдилар, харорат билан олқишладилар. Ана шу олқишлар, ана ўша самимий алоқа студияга руҳ берди; бу олқишлар бу кун бир ховуч бўлсалар ҳам, самимий бўлгонлари учун келгусида у ховучларнинг ҳеч қаерга сигмай кетишига катъий имон келтирадилар.

Сўз охирида студия талабалари тўғрисида икки оғиз гапириб ўтайлик: мен, студия билан бирга бир ярим ойча юриб чинакам санъат фидокорларини кўрганимга ишониб суюндим. Моддий муваффақиятсизлик хали бизнинг кўп «фидокорларимизни» ярим йўлда йўлдан урадилар. Булар ўз ҳаётларидаги моддий муваффақиятсизликларга ҳам эътиборсиз қарадилар ва кўзларини кизил Маскавнинг тоғлар қадар театрларига тикиб туриб: «— Бизнинг тилагимиз шундай!» дейдилар...

---

Маскавдаги драмстудиямиз — «Ер юзи» журналининг 1926 йил 12-сонидан босилган.

«Давлат базм-чолги тўдаси» — Ўзбекистонда илк ашула ва ракс ансамбли, 1926 йилда Самарқандда М. Кориёкубов раҳбарлигида ташкил қилган.

Мухитдин қори Яъқубий — Мухитдин Кориёкубов (1896—1957), ўзбек санъатининг таниқли арбоби, ЎзССР халқ артисти.

Булбул ўрток — Булбул Мамедов (1897 — 1961), озарбайжон артисти, опера солисти, СССР халк артисти (1938), профессионал вокал мактаби ва музика театри асосчиларидан бири.

«Мана, каршингизда...» — маколанинг бу тарзда ёзилишига сабаб шундаки, «Маориф ва ўқитгувчи» да фотосурат эълон қилинган (айни шу сонда), Чўлпон эса унда акс этдирилганларни таништиради гўё. Бу суратдагилардан энг машхурлари: Юсуфжон кизик, Тўхтасин гижжакчи (Т.Жалилов), Уста Олим, Ориф гармон (О. Тошматов), Жўрахон яллаци (Ж. Султонов), Мухитдин Кориёкубов ва Тамарахонимлардир.

Йўлдошбой акам — Й. Охунбобоев (1885—1943), таникли давлат арбоби, 1925 йилдан ЎзССР Марказий Ижроя Комитетининг раиси.